

НАВОИЙ АСАРИНИНГ ҚОРАҚАЛПОҚ ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИДАГИ ТАЛҚИНИ

Дарушова Дариха Кадирниязовна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Нукус филиали ўқитувчиси

Аннотация: Бу мақолада Қорақалпоқ давлат Қўғирчоқ театрида Алишер Навоий асари асосида саҳналаштирилган “Чин юртини дунёга танитган гўзал ҳақида сўз” спектаклининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида сўз бўлади.

Калит сўзлар: театр, драматург, актёр, режиссёр, спектакль, ижодкор, репертуар, декорация.

Аннотация: В этой статье рассказывается о достижениях и недостатках спектакля "Слово о красавице, прославившей Китай на весь мир," поставленного в Каракалпакском государственном театре кукол по произведению Алишера Навои.

Ключевые слова: драматург, театр, актёр, режиссёр, спектакль, создатель, репертур, декорация.

Annotation: This article discusses the achievements and shortcomings of the play "The Tale of a Beauty Who Made China Glorious to the World" staged at the Karakalpak State Puppet Theater based on Alisher Navoi's work.

Keywords: theater, playwright, actor, director, play, creator, repertoire, decoration.

Буюк мутафаккир, давлат арбоби, сўз мулкининг султони ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг бой маънавий мероси асрлар ўтса ҳам бутун адабиёт олами вакиллари ҳайратга солиб келган. У яратган асарлар қалбларга инсонпарварлик, одоб-ахлоқ, меҳр-мурувват, эзгулик уруғини сочиб, ёмонлик ва адоласизликга қарши курашишга даъват қилади. Шуни алоҳида қайд этиш ўринли, ҳазрати Навоий мероси мавзу ва мазмуни жиҳатдан замон ва макон танламайди. Мавзулар исталган давр талабига жавоб беради ва долзарблигини йўқотмайди.

Келажак аҳлига мана шундай меросни тақдим этган мутаффакирларимиз хотирасини ёд этиш, ижодини кенг тарғиб қилиш биз авлодлар бурчидир.

Мамлакатимизда бу борада қилинаётган маънавий-маърифий ишлар ва унинг натижаси бу бурчимизнинг амалдаги бир мисолидир. 2021 йил 17-23 декабр кунлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан Тошкент шаҳрида Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан “Навоий сиймоси ва асарлари саҳнада” Республика театрлари кўрик-фестивали ташкиллаштирилди. Фестивалда юртимизда фаолият юритаётган катта

театрлар билан бирга Давлат кўғирчоқ театрлари ҳам Навоий асарларининг турли жанрдаги сахнавий талхинлари билан иштирок этди. Ҳар бир кўғирчоқ театри Навоий асарларига турлича ёндашган. Мавзулар ҳам турлича. Фестивалда Қорақалпоқ давлат кўғирчоқ театри ҳам Навоий ғазаллари асосида “Чин юртини дунёга танитган гўзал ҳақида сўз” спектакли билан иштирок этиб, фестиваль якунида “Навоий асарининг янгича бадиий талқини” дипломи билан тақдирланди. Гўзаллик ва ошиқликнинг зулм устидан ғалаба қозонганини сўзловчи бу асарнинг кўғирчоқ театрдаги талқини ҳақида тўхтаб ўтмоқчимиз.

“Чин юртини дунёга танитган гўзал ҳақида сўз”. Спектаклнинг нега айнан шундай номланишига эътибор қаратдик. Спектаклни томоша қилганимиздан сўнг, Навоий ижодининг энг сара асар намуналаридан бири бўлмиш “Ҳамса”нинг ўчинчи достони “Фарҳод ва Ширин”даги мотивлар асосида инсценировка ишланганига гувоҳ бўлдик. Спектакльдаги айрим сюжетларгина достондагига ўхшаш, лекин айнан ўзи эмас. Достонда Фарҳод Чин ҳоконининг узок кутган фарзанди бўлиб, у илмда тенгсизлиги, бой-бадавлат бўлишига қарамай, хунар ўргатувчи усталарга шогирд тушиши, илм йўлида Сухробни излаб топиши, сеҳрли кўзгуда Ширинни кўриб, унга ошиқ бўлиши баён этилган. Воқеалар ривожиди Фарҳоднинг Ширинни излаб йўлга отланиши ва унинг бу йўлда бошидан кечирган заҳматлари ҳақида бўлади. Спектакльдаги гўзал қиз эса Чин юртидан бўлиб, унга ошиқ бўлган уста йигит қизни кузгудан кўрмагани билан, у қизни ой-юлдузлар орасидан кўриб, ғойибона ошиқ бўлади. “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Ширин ўзга юртнинг маликаси эканлиги бизга маълум. Чунки кўзгуда Фарҳод уни тахтда ўтирганини кўради. Спектаклда эса гўзал қизнинг Чин элидан эканлиги маълум, лекин унинг малика ёки саройга алоқадарлиги бўйича ҳеч қандай маълумот йўқ.

Илк кўринишда актёр С.Темирханов Навоий образида гавдаланиб, у томонидан ошиқлик ғазали ижро этилади. Демак, биз томоша қилмоқчи бўлган воқеалик тафсилотлари ушбу образ томонидан тўлиқтирилиб борилишини англатади. Саҳна ўртасидаги ширмада Навоий ижод қилган даврдаги архитектура намунаси тасвирланган. Бир пайт саҳнада майин мусиқа остида Чин элининг ҳурлиҳоси пайдо бўлади. Кўғирчоқнинг юз тузилиши, соч турмаги, либоси ва ҳатти-ҳаракатидан унинг чин эли вакиласи эканлигига амин бўлдик. У боғдаги гулларнинг гўзаллигидан бахро олиб, секин, охиस्ताлик билан рақсга туша бошлайди. Бир пайт қиз ёнида чин элининг бир йигити пайдо бўлиб, гўзалга ошиқ бўлиб қолганини Навоий ғазаллари ила баён этади. Ўша вақтда довул бошланиб, қизни учуриб олиб кетади. Бу саҳна рамзий маънода, яъни Чин элига босқинчилар бостириб келиб, гўзал қизни ўғирлаб кетишганини англатади. Довул тингач йигит гўзал қизни топа олмай қолади ва уни излаб йўлга отланаётганини баён этади. Бу саҳна кўринишида воқеа Чин элида юз бергани боис биз бу юртга даҳлдор декорацияни, ёки унинг қандайдир

элементларини кўришни ҳоқладик. Лекин, декорацияда бу юртга оид атмосфера кўзга ташланмайди.

Иккинчи сахна кўринишида чин гўзалини ўғирлаган юрт шоҳи боғда гўзал билан тўқнаш келади. Подшоҳ унинг жамолига ошиқ бўлиб, у гўзалга ўзидан бошқаси боқмасликни, гар боқса боши танасидан жудо қилиниши ҳақида фармон беради. Томошабин подшоҳнинг либоси ва бошидаги салласидан унинг қай юртнинг шоҳи эканлигини аниқ билмаса ҳам, албатта унинг чин элига таалуқли эмаслигини фаҳмлаши қийин эмас. Лекин шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, шоҳнинг либоси унинг ёнида турган бош вазирнинг либосидан ўнчалик фарқ этмайди. Икки образдаги кўғирчоқларнинг либослари бир-биридан анча фарқ қилиши керак. Шоҳ либоси бежирим ва салобатли бўлиб, томошабин уни бир кўришда подшоҳ эканлигини англаши керак. Яна шуни қўшимча қилиш керак, шоҳ образидаги кўғирчоқни ўйнатаётган актёрнинг ҳам ҳаракатлари енгил кўринди. Актёрнинг овозида салмоқ бору, лекин ҳаракатларида подшоҳларга хос салобатни, оғир-босиқликни кўрсата олмаган.

Дастлабки кўринишда гўзалга ошиқ бўлган чин ўлкаси йигитининг ишқ йўлидаги оҳу-нолалари, унинг қизни излаб йўлга тушиши ва учинчи кўринишдаги қиз ўғирланган шаҳарга етиб келишидан бу йигитни бош қаҳрамон деб ўйладик. Лекин унинг дарҳол қўлга тушиб, подшоҳ томонидан қатл эттирилиши илк таасуротимизнинг янглиш эканлигини билдирди.

Сарой бош вазирининг гўзалликга ошуфталиги ўз бошига бало бўлди. Чин гўзалининг юзига беҳостан қараган вазирнинг бу қилиғидан жаҳли чиққан подшоҳ ўз фармонида бўйсунмагани учун вазирни ҳам қатл қилишни буюради. Шоҳнинг бу тариқа инсонларга зулм кўрсатаётганига чидамаган қиз шоҳга бу ишларининг бефойдалиги, у ўзининг тушида кўрган йигитни севишини айтади ва оқибатда қиз минорага қамал қилинади.

Кейинги сахна кўринишида пайдо бўлган йигит кечаси осмонга қараб, ой-юлдузлар орасидан чин юрти гўзалини кўради. Йигит кўзига кўринган ҳурнинг кимлигини билмай турганида ёнига дарвеш келиб, чин элини дунёга танитган гўзал ҳақида айтиб беради. Йигит юлдузлар орасидан кўзига кўринган гўзални танийди ва дарвешга албатта уни излаб боришини маълум қилади. Дарвешнинг огоҳлантиришига қарамай йигит йўлга тушади ва гўзал қамал этилган минора ёнига келади.

Бу сахна кўринишида ишланган минора ва сарой декорацияси ўрта асрларда юртимизда қад кўтарган архитектуравий қурилишни акс эттиради. Сахнадаги минора ёнида пайдо бўлган йигит «Мана, Чин юртига етиб келдим», -дея гап бошлайди. Сахнада пайдо бўлган декорация билан ошиқ йигитнинг гапини қандай тушинсак бўлади. Ўзи спектакль бошидаёқ қизнинг чин элидан ўғирланиб кетилгани аниқ бўлганди. Спектакль инсценировкасини ёзган муаллифнинг ҳам, кичкина асарни қўлга олмаганини тўлақонли англаб етмаган

режиссёрнинг ҳам бу отнинг қашқасидек катта ҳатога кўз юмиб ўтишига нима деймиз. Бу сўз балки актёр томонидан шунчаки айтилиб кетиши ва томошабин ҳам бунга парво қилмаслиги мумкиндир. Лекин беш бармоқ баробар бўлмаганидек, ҳар бир ҳолатга, ҳар бир сўзга аҳамият қаратадиган зийрак томошабинлар ҳам бўлиши мумкин. Арасту машҳур “Поэтика” асарида фабула ва унинг муҳимлиги ҳақида “...Трагедияда энг муҳими – воқеалар оқимидир. Трагедиянинг асосий мақсадини фабула, воқеа ташкил этади, мақсад эса ҳаммасидан муҳимдир. Трагедия воқеасиз яшай олмайди, характерларсиз эса яшай олиши мумкин”, деса, трагедиянинг тасвирлаш унсурлари ҳақида “Тасвирлаш ҳаракат орқали ифодалангани учун зарурийлик нуқтаи-назаридан трагедиянинг биринчи унсури манзара, кўриниш орасталиги бўлади, иккинчи унсур мусиқа қисми, учунчи унсур эса тилдир. Фақат мана шу воситалар орқалигина акс эттириш содир бўлади” [1.45-бет], - дея фикр билдиради. Спектакль ижодкорларининг мана шу олтин қонун- қоидаларга таянмаганини, йўқорида тилга олган камчиликлар кўрсатиб қўйган бўлса ажаб эмас. Спектакльнинг айнан шу жойига аҳамият қаратилиб, ҳато тузатилса, спектаклнинг таъсир даражаси ортиши аниқ.

Шу тариқа гўзални кўриш умидида келган уста йигит ҳам бошқа ошиқлар каби қўлга тушиб, унга жазо тариқасида минора қуриш топширилади. 1 кун муҳлат ичида йигит томонидан чиройли минора қад кўтаради. Лекин шох ваъдасига вафо қилмасдан, йигитни ўзи қурган минорага қамал қилади. Икки минорада қолиб кетган ошиқлар бир-бирига етишиш истагида ўзларининг қушга айланишини парвардигордан ёлвориб сўрашади ва бу амалга ошади. Ошиқ қалбларни қамал қилгани билан ўз мақсадига ета олмаган подшоҳ спектакль сўнгида ўз қилмишидан афсус чекиб, дарвешни изидан кетишга аҳд қилади.

Ҳазрати Навоий ўз ижод маҳсулларини бир нечта тилларда ёзганлиги боис бугунги ўқувчи бу асарларни қўлга олишга бироз ҳадиксирайди. Тилини тушуниш, мазмунини англаш қийин кечаётгани бугуннинг долзарб муаммоларидан биридир. Бу борада Навоийшунос Б.Қосимов: “Навоий ижодини ёш авлодга содда ва тушунарли қилиб етказмоқ зарур. Токи ўқувчи ундан баҳраманд бўлсин. Ҳаётнинг ҳар бир ҳодисасида бу бой меросга мурожат қила олсин. Навоий мероси бугунги ўқувчининг ўз мулкига айлансин”, - дея фикр билдиради. Таҳлил қилаётган спектаклимизда Навоий ғазаллари қорақалпоқ тилида ижро этилади. Ғазаллар таржимаси эшитиш ва тушунишга қулай. Энг асосийси Навоий ижодининг саҳнада жонланиши, айниқса қўғирчоқ театрида саҳналаштирилиши томошабинларнинг буюк шоир ижоди билан яқиндан танишишга кўмак беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Арасту. Поэтика. – Т: Янги аср авлоди, 2012 й.
2. Тожибоева О. “Фарҳод ва Ширин” достонининг халқ варианты. Шарҳ машъали журнали. 2012 й, 1-сон.
3. Қосимов Б. Ўрта мактабларда Навоий ижодини ўрганишнинг айрим масалалари. “Ижод олами” журнали. 2020-й. 1-сон.
4. Ашурова М. Қўғирчоқ театри санъатининг актёрлик мактаби. –Тошкент: Наврўз. – 2020.
5. Тулепова З. Эртакичи бобога берилган мукофот. Театр журнали. 2020 й, 2-сон. Исмайлов, Ажинияз. "«ҚИРОЛ ЛИР» НИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНИ." *Journal of Culture and Art* 1.3 (2023): 69-74.
6. Исмайлов, Ажинияз Есбергенович. "«УСТОЗ ТАҚДИРИ» СПЕКТАКЛИДА ЗАМОНДОШ ОБРАЗЛАР ТАЛҚИНИ." *GOLDEN BRAIN* 1.13 (2023): 161-167.
7. Darushova, Darixa Kadirniyazovna. "YOSH REJISSYORNING YANGI TALQINDAGI SPEKTAKLI." *Oriental Art and Culture* 5.6 (2024): 656-658.
8. Дарушова, Д. (2024). САҲНАДА – ҚУШЛАРНИ КУТГАН БОЛАЛАР. *Talqin Va Tadqiqotlar*. извлечено от <https://talqinvatadqiqotlar.uz/index.php/tvt/article/view/2469>
9. Тилепов, Куатбай Нукусбаевич. "ХУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРИДА РЕЖИССЁРЛИК МАҲОРАТ." *Educational Research in Universal Sciences* 2.1 SPECIAL (2023): 454-459.
10. Nukusbayevich, Tilepov Quatbay. "MAIN FACTORS OF THE HISTORY AND DEVELOPMENT OF" KARAKALPAKFILM" FILM STUDIO." *World Bulletin of Social Sciences* 27 (2023): 169-171.
11. Тилепов, Куатбай Нукусбаевич. "КИНО—ТАРБИЯ ВОСИТАСИ." *Innovative Development in Educational Activities* 2.5 (2023): 314-317.
12. Nukusbayevich, Tilepov Quatbay. "OVOZ YOZISH TEXNOLOGIYASINING RIVOJLANISH BOSQICHLARI, OVOZ REJISSYORI KASBINING SHAKLLANISHI (ROSSIYA OVOZ REJISSYORLIGI MISOLIDA)." *Oriental Art and Culture* 5.6 (2024): 876-880.
13. NUKUSBAYEVICH, TILEPOV QUATBAY. "O ‘ZBEKISTONDA MAQOM SAN’ATINING SHAKLLANISHI." (2024): 1-5.
14. Tilepov, Quatbay Nukusbayevich. "QORAQALPOG ‘ISTONDA MADANIYAT MARKAZLARI FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHNING ASOSIY OMILLARI." *Oriental Art and Culture* 4.6 (2023): 680-683.